

Лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш учун  
39-408-РБ-22/ЙЛ-сонли

ШАРТНОМА

2022 йил 22 ноябр

Карши шахри

“Қашқадарё вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК “Буюртмачи” тарафнинг тўлиқ номи ва ташкилий-хукукий шакли филиали (келгуси ўринларда “Буюртмачи” деб аталади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи “Буюртмачи” тараф директори Ф.Тожибоев бир томондан, “Иш бажарувчи” тарафнинг “Ўзйўллойиха” лойиха-кидирув институти ДУК Қашқадарё вилояти филиали (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб аталади) номидан Низом асосида иш юритувчи “Иш бажарувчи” тарафнинг 2022 йилнинг 10 февральдаги 01/06-46-сонли ишончнома асосида иш юритувчи филиал бошлиғи И.Хазратқулов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-408 сонли карори ҳамда Халк депутатлари вилоят Кенгашиниң 2022 йил 4-ноябрдаги VI-52-169-4-0-К/22-сонли карори ва 2022 йил учун Манзилли рўйхатга асосан куйида кўрсатилган обьект бўйича техник кўригидан ўтказиш ва лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш бўйича шартнома туздилар:

ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Объекти лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш бўйича мажлис ўтказилган (баённома тузилган) санадаги Объекти лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш бўйича тузилган 2022 йил 14 ноябрдаги баённома ва 183208-сонли лотга асосан “Лойиха-смета хужжатлари тайёрланадиган Косон тумани Шербек МФИ ички йўлларини жорий таъмираш ишларини лойха смета хужжатларни таёrlаш обьекти лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш ва тайёрлашни Бажарувчи ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш учун топширик бериш, лойиха-смета хужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул килиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларини амалдаги тартиб-коидалар ва меъёрларга риоя этган ҳолда ишлаб чикиди.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари куйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси - 1-иловага мувофиқ;

- асослаштирилган келишув баённомаси 2- иловага мувофиқ;

- лойиха ишларини бажариш сметаси – 3 илова мувофиқ белгиланади ва ушбу шартноманинг ажралмас кисми хисобланади.

1.5. Бажарувчи шартнома бўйича лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиди. Учинчи шахсни ёллаган ҳолда белгиланган тартибда Буюртмачи ёки Бажарувчи лойиха-смета хужжатларини давлат экспертизасидан ўтказади.

1.6. Бажарувчи лойиха-смета хужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлгандага бошқа тегишил экпертиза хulosасини олгандан сўнг 10 кун мобайнода 3 (уч) нусхада мазкур лойиха ва кидирув ишлари хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. **Буюртмачининг мажбуриятлари:**

2.2. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиха-смета амалдаги конунчилик хужжатларига мувофиқ равишда қабул килиб олишини таъминлаш мажбуриятини олади.

2.5. **Бажарувчининг мажбуриятлари:**

2.6. Бажарувчи ишларни техник топширик ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (боскичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг курилиш-монтаж жараённада муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб килинган сифат даражасида ўз ҳисобидан кайтадан бажариш мажбуриятини олади.

ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Куйидаги шартлар тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг

бажарилиши бошланган хисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул килиш далолатномаси билан 3 нусхада лойиха-смета хужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул килмаслигининг асосли рад жавобини берган холда зарур бўлган қўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган холда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофик эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичida уни тўхтатиш бир-бирини хабардор килиши ва 15 иш кунида ишларни давом эттириш мақсадга мувофик ёки мувофик эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чишиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вакт ўзаро хисоб-китоб килиш вакти хисобланади.

## ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси қўшимча киймат солиги билан **14 850 000** (Ўн тўрт миллион саккиз юз эллик минг) сўмни ташкил этади.

4.2. Мазкур обьект бўйича тўлов манзилли дастурга тасдиқлангандан кейин молиялаштириш манбай аниқланиб, маблаг ажратилгандан сўнг тўлов амалга оширилади.

4.3. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштириувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда "Буюртмачи" тўловни амалга ошира олмайди.

4.4. "Буюртмачи" шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг **15 % миқдорида** бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.5. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади. Кўйидаги холларда:

-ишлар киймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзgartiriлганда.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатларига мувофик, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиклиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларидаги камчиликлар учун курилиш лойиха-смета хужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга кадар жавоб беради. Лойиха-смета хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзgartiriшлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиккан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, конунларда белгиланган тартибда иктисолий судга мурожаат килишга хаклиdir.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳаки кечикирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,01 фоизи миқдорида Бажарувчига пея тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар кийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини тайёрлаш ўз вактида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўtkазиб юборилган ҳар бир кун учун мажбuriятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,1 фоизи миқдорида пея тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўrсатилмаган хизматлар кийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор килинганда, шартнома бекор килингунга кадар бажарилган ишлар учун тўланган маблаг «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор килиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор килиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳакиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган хужжатлар асосида тўлиқ хисоб-китоб килинган холда амалга оширилади.

Пеня тўлаш

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий хисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблаглар ва бошка тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вактида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблагларни молиялаштириш учун ажратилган маблаглар хисобидан чегириб колиш хукуқига эга.

Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ыонун хужжатларига мувофик белгиланади.

## ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Тарафлар ихтиёрига бөглиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва х.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан бөглиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чикадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳакиқийлиги юзасидан келиб чикувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иктисодий судда кўриб чикилади.

### КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан бөглиқ коррупциявий харакатларни содир килмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга карши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан бөглиқ муносабатлар юзасидан конунга хилоф равища пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги харакатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳакида таассурот колдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пурратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юкоридаги харакатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимдари томонидан хар қандай вақт ва шаклда қўйидаги харакатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар оркали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат килувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштируванин амалга ошириш, судда иш қўрилиши, конунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда конунга хилоф равища тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки саклаб қолиш максадида юкоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда килиниши, берилшига;

б) конунга хилоф равища олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинойи фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чикишига қонуний тус бериш, бундай пул маблаглари ёки бошқа мол мулкнинг асл хусусиятини, манбанини, турган жойини, тасарруф этиш қўчириш усулини, пул маблагларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳакиқий эгалик хуқукларини ёки унинг кимга карашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид хуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни хамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабарлор қилиши шарт.

7.5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказиша, битимлар тузиши бўйича музокаралар олиб бориша, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишида ёки уларнинг манфаатларини қўзлаб бошқа харакатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиласиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пурратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, хукукшунослар, хисобчилар, улар номидан харакат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қўйидаги харакатларни амалга ошириши шарт:

-коррупциявий харакатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий харакатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳакида қўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

-улардан коррупциявий харакатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

-уларни факат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чикариш зарурияти доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

-уларга конунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ микдоридан асоссиз равища ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

7.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиласиган шахслар томонидан коррупцияга карши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳакида хабар берилганлиги учун уларга тазик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

7.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга карши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб колса, иккинчи тарафни бу хам зудлик

билин хабарлор килиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидан тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор килишини талаб килиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан коидабузарликларни бартараф килиш бўйича оқилона муддат ичидан тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари хақида хабардор килмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор килишга ҳамда зарарни тўлик қоплаб беришни талаб килишга хакли.

### ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

8.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва у ўз зиммасига олинган мажбуриятларни тўлик бажаргунга қадар амал қиласди.

8.2. Ушбу шартнома бўйича тўлов манзиллий дастурига киритилиб, ушбу обьект бўйича хисоб раками очилганидан кейин, хисоб ракамига маблағ ажратилгандан сўнг тўловлар амалга оширилади.

### ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҶАМЛАРИ

Буюртмачи:	«Иш бажарувчи»
Қашқадарё Минтақавий йулларга буюртмачи хизмати ДУК Манзили: Қарши шахри Хонобод ва А.Навоий чоррахаси 66-үй Тел:224-16-75 Факс: 224-16-98	Корхона номи: "Ўзйўллойиха" лойиха-қидирув институти ДУК Қашқадарё вилояти филиали Манзили: 1000000, Тошкент шахри, Мустакиллик шох кўчаси, 68А –үй, Қарши ш.Хонобод кўчаси 23 уй Тел: Тел: 97-303-06-00 СТИР: 305 756 527 ОКЭД: 71110
ИНН: 304 934 733 ОКЭД: 71110 Ш.х/р: 3018 2186 0104 0170 4520 4118 196	
Тошкент ш. Марказий банк ББХКМ Молия Вазирлиги Фазналилиги МФО:00014 ИНН 201 122 919 Х\Р: 234 020 003 001 000.010 10	Банк: АТИБ "Ипотека банк" Яшнобод филиали МФО: 00959 Х\Р: 2021 0000 7009 2163 2001
Директор:  Бош юристконсультант: 	Директор:  И.Хазраткулов

Директор:

Ф.Тожибоев

Бош юристконсультант:

Ф.Марданов

